*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 22 июль
ЯКШАНБА
№ 167 (4.960);

**Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси**

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

# ОДАМЛАРДАГИ ИШОНЧНИ ТИКЛАЙЛИК

## Суҳбатдошимиз—КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси



**Бугунги кунда Ўзбекистон мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Мазкур жумҳуриятда ниҳоятда кўп муаммолар йиғилиб қолган. Бунда иқтисодий тараққиётдаги нуқсонлар ҳам, маъмурий буйруқбозлик системаси юзага келтирган айрим раҳбарларнинг суиистеъмолчилиги ҳам ва шу туфайли, тўғридан тўғри айтиш керак, аҳоли кўпчилигининг қашшоқликда яшаётганлиги ҳам, миллатлараро муносабатлардаги кескинликнинг қалқиб чиқаётганлиги ҳам бор... Шу боис, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби И. А. Каримов билан суҳбатимиз республика партия ташкилотининг ҳозирги шароитдаги биринчи навбатда бажарилиши керак бўлган вазифалар атрофида бўлди.**

**— Ислом Абдуғаниевич, биз сиз билан партиянинг XXVIII съездида учрашган эдик. Сиз съезд ишида нималарни алоҳида қайд этиб ўтишни истардингиз? Таъбир жоиз бўлса Москвадан қандай янгиликлар билан қайтдингиз?**

— Қайд этишим лозим бўлган биринчи нарса шуки, съезд етарли даражада яхши тайёрланмаган. Сиз мен сингари эҳтимол айнан съездда энг муҳим қарорлар ишлаб чиқилиши мумкин деган фикрдан узоқдасиз. Бунинг учун олдин бир қатор учрашувлар, кенгашлар ўтказилиши, жамоат фикри, иттифоқдош жумҳуриятлардаги, бошланғич партия ташкилотлардаги, энг аввало, бугунги кунда вазият айниқса ташвишли бўлган минтақалардаги кишиларнинг аҳволи обдон ўрганилиши керак. Бизда эса бундай бўлмади. Съездда у ёки бу масалалар юзасидан ҳис-туйғулар авжига чиққанлиги ҳам шундан. Муаммоларнинг моҳияти юзасидан фикр юритилмай, кўпинча нотиқлар масала моҳиятини субъектив тушунишларидан шундай бўлди.

Партияни янгилаш бўйича секция ишини олиб кўрайлик. У менинг назаримда энг муҳим секциялардан бири эди. Ҳатто рисоладагидек ташкил этилмади. Ҳоҳловчи кишиларнинг ҳаммаси сўзга чиқишди. Ҳаммага, ифодали қилиб айтадиган бўлсак, бор гапларини тўкиб солишларига имконият яратилди. Кўпроқ гапираверишсин деган фикрга борилган бўлса керак. Хўш, ундан кейинчи?

Шундай бўлсада, съезднинг ўн уч иш куни беҳуда кетмади. Ундаги муҳокаманинг ҳар бир янги босқичи нуқтаи назарларни бир-бирига яқинлаштирди, қандайдир яхлит хулосаларни ишлаб чиқишга кўмаклашди. Бу хулосалар муайян даражада кўпгина оқимлар учун умумий бўлади, партия ташкилотларининг бундан буёнги фаолиятига асос солади.

Имоним комилки, халққа ижтимоий ва миллатлараро инқироздан ишонарли тарзда чиқиш йўлини кўрсатган партиягина кучли бўлади ва у халқ кўз ўнгида обрўли бўлади. КПСС дастуридаги Литва Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби В. Швед тўғри таъкидлаб ўтганидек, партиянинг мақсадлари, унинг программаси халқ учун жозибали бўлиши керак. Ана шундагина халқ унга ишонади, шу партиягина янгиланиши, халқни ўз ортидан эргаштириши мумкин. Акс ҳолда агар биз, одамларни иш билан ишонтира олмасак, у ҳолда партиянинг узил-кесил парчаланиб кетишига, демакки, мамлакатнинг ҳам парчаланиб кетишига борамиз. Ҳа, бугунги кунда бизнинг кўпмиллатли давлатимизни бириктириб турган ягона куч — бу КПССдир.

**— Сиз бугунги кунда партия бошидан кечираётган қийинчиликлар сабаби аслида нимада деб ўйлайсиз?**

— Аниқ позиция, собитқадам иш ва ягона идеология йўқ. Гарчи ўртоқ Медведев съездда бунинг нотўғри эканлигини узундан-узоқ гапириб исботлашга уриниб кўрса-да аслида шундай. Умуман олганда унинг нутқи кўпроқ лекцияга ўхшаб кетди. У ҳисобот эмас. Нотиқ КПСС идеологиясининг мақсадлари ва вазифаларини қандай тушунишини гапириб берди, холос. Мана оддий саволлар: Нима учун идеологиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат эканлигини тушунишини конкрет ишларда амалга оширмади? Нима учун тилда бошқаю ҳаётда бошқача бўлди? Райкомдан тортиб Марказий Комитетгача бўлган партия комитетлари кучсизлигини нима деб изоҳлаш керак? Бундай ва бошқа кўплаб саволлар жавобсиз қолди. Одамлар кўп масалаларда далилсиз, исботсиз ўзини бадном этишларида йўл қўювчи партияга ҳурмат билан қарашлари мумкинми?

**— Айтайлик, бу сўзларда ўтмишни қўмсаш йўқми? У пайтларда партия барча ишларни буйруқ билан бажартирарди.**

— Келинг, ҳақиқат кўзига тик боқайлик. Ҳозир мамлакатда ҳамма нарса жадаллик билан вайрон бўляпти. Биз битта системани буздик. Лекин унинг ўрнига бошқасини яратмадик. Хўш, ўзи нима гап деб сўралса, негадир биз, партия ходимларини қаттиққўлни соғиниб қолдингизми, шуни қўмсаяпсизми деб айблай бошлайдилар. Бизни бу қаттиққўл билан қўрқитишларини бас қилайлик. Менинг фикримча, интизом ва тартиб ҳар қандай демократиянинг асосий элементларидан биридир. Бусиз демократия сақланиб қололмайди. Шу боис мен агар партия социалистик идеаллар йўлида барча соғлом кучларни жипслаштиришни таъминлай олсагина, ўз сиёсатини изчиллик ва қатъият билан ўтказсагина, ана ўшанда одамлар уни етакчи фирқа деб тан оладилар деб ҳисоблайман.

**— Бугунги кунда жипслашув тўғрисида жуда кўп гапириляпти. Аммо гап-сўздан нарига ўтилмаяпти. Сиз бу сўзнинг маъносини қандай тушунасиз?**

— Шиорлардан ҳаракатларга ўтиш керак, бунга қўшиламан. Фақат ишгина одамларни бирлаштиришга қодирдир. Мужмал истиқбол эса беҳуда. Бироқ, олдин биз қандай ишларни бажаришимиз ва уларни қайси муддатларда адо этишимиз кераклигини аниқ-равшан тасаввур этишимиз керак.

Мана, биз ўзимизда Ўзбекистонда конкрет программани ишлаб чиққанлигимизни айтишим мумкин. Сохта камтарлик туйғусисиз шуни сездикки, халқ уни қўллаб-қувватлади. Кейинги пайтларда биз нималар қилдик? Одамларга ер бердик. Ўзбекистон шароитида ҳар бир оилада ўртача 7—8 киши, айрим жойларда эса ундан ҳам кўпроқ аъзо борлигини, неча ўн йиллар давомида уй-жой муаммоси ҳам, озиқ-овқат масалалари ҳам ҳал этилмай келинаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ер бермасдан илож йўқ эди. Биз қарор қабул қилиб, бугунги кунда ҳар бир оилага 0,25 гектардан ер берилишига кафолот бердик. Ҳозирдаёқ бир миллион олти юз минг оила қарийб 165 минг гектар ер олди. Бу шахсий томорқа хўжаликлари майдонини қарийб икки баравар кўпайтирди. Бундан Совет ҳокимияти заифлашгани йўқ... Аммо дадил айтиш мумкинки, бу йил жумҳурият бозорларида сабзавот энг арзон нархда сотилмоқда. Масалан, бир килограмм помидор 40 тийин.

Бошқа бир мисол келтираман. Мактабларимизда 4,5 миллион бола ўқийди. Биз биринчидан тўртинчи синфларгача ҳаммани бепул овқатлантиришни жорий этдик. Колхозлар ва совхозлар мактабларга, шунингдек, касалхоналар ва болалар муассасаларига етказиб берадиган маҳсулотларни харид планларига киритдик. Бундан ҳамма мамнун. Хуллас, биз одамлар манфаатларидан келиб чиқиб, кўпгина етилган муаммоларни кишилар, улар ҳуқуқларининг фойдасига кўриб чиқдик.

Маънавий соҳа ҳам назаримиздан четда қолмади. Бизда Наврўз деган байрам бор. У Ўрта Осиёда, айниқса Шарқда мусулмон дини жорий этилмасдан анча олдинроқ ҳам нишонланган. Бизда беш йил олдин бу байрамни тақиқлаб қўйишди. Биз бу тақиқни бекор қилдик. Биласизми, бу йил Наврўз ниҳоятда зўр ўтди. Унда деярли ҳамма — ўзбеклар ҳам, тожиклар ҳам, руслар ҳам, украинлар ҳам, бошқа миллат кишилари ҳам қатнашдилар. У ҳар бир халқ вакиллари бир-бирларига ўзларининг дўстона муносабатларини изҳор этган кун бўлди. Бу маълум воқеалардан, миллатлараро нифоқ кўринишлари содир бўлгандан кейин ниҳоятда муҳим эди. Ахир бу воқеаларда халқ қатнашгани йўқ. Уларда муайян кишилар, таъбир жоиз бўлса, алданган, гангиган шахслар қатнашди, холос. Сезган бўлсангиз, миллий негиздаги барча тўқнашувлар ягона сценарий бўйича бўляпти. Биз шу пайтгача шу сценарийнинг муаллифларини ҳали қидириб топганимиз йўқ. Мазкур воқеаларга сиёсий баҳо берилмас экан, ўйлашимча, муаммо ҳал этилмай қолаверади. Касаллик эса авж олиб борган сари зўраяверади. Сиёсий усуллар зарур.

Яна бир муҳим масала. Кўпгина жойларда, шу жумладан съездда ҳам партияни танқид қилиш тўғрисида гапирилмоқда. Бизнинг муҳолифларимиз нималар эвазига ўзларига обрў орттирмоқдалар? Улар йўл қўйган хатоларимиздан фойдаланишмоқда. Биз қандайдир даражада ўзимизнинг ман этиш усулларимиз билан, ишнинг зўравонлик йўллари билан ўзимизни халққа қарши қўйиб хатога йўл қўйяпмиз. Тасаввур қиласизми, ҳозир кўпгина муҳолифларимиз ташвишга тушиб қолдилар. Чунки улар ҳал этилмаган ўткир масалаларни пеш қилиб ўзларини норасмий саркор деб юрган эдилар. Бу муаммолар амалда ҳаммаси ҳал этилаётгани туфайли халқ уларнинг кетидан эргашмай қўйяпти. Хулоса қилиб айтганда, КПСС фақат сиёсий усуллар билангина халқ ўртасида обрў-эътибор қозониши мумкин. Бошқа йўл йўқ. Одамларни ҳозирдаёқ боқиш, кийинтириш зарур. Қуруқ шиорлар даври ўтди.

**— Матбуотда жумҳуриятда хусусий мулкчилик дадиллик билан жорий этилаётганлиги хабар қилинди...**

— Мен мулкчилик шаклларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида қўл ковуштириб ўтирганимиз йўқ, дегим келади. Бугунги кунда маҳаллий саноатда учта хусусий корхона ташкил этилди. Улар миллий мусиқа асбоблари, миллий уй-рўзғор ашёлари ишлаб чиқармоқдалар. Қишлоқлардаги барча майда маиший ва савдо нуқталарини ҳам хусусий кишиларга бериш керак деб, ҳисоблаймиз. Бошқача айтганда, ҳаётда анчадан бери мавжуд нарсаларни амалда эътироф этиш, очиққа чиқариш керак. Замонавий фермерлар ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларининг уюшмасини вужудга келтириш устида ҳам иш олиб боряпмиз. Негаки, жумҳуриятда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизини шулар етказиб беряпти, ахир.

**— Янги шарт-шароитлар жумҳурият партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари иш услубига таъсир этдими?**

— Партия ташкилотлари ўзларининг қўлдан бераётган обрў-эътиборини яна қайтариб олаётганлиги шубҳасиздир. Одамлар ва партия ташкилотлари ўртасидаги тафовут қисқариб боряпти. Лекин қон-қонимизга сингиб кетган, айтишим мумкинки, шундай бир ирсий касаллик борки, у партия ходимларининг оёқ-қўлини чандиб ташлаган. Улар ҳамон эски андозаларда яшаяптилар. Шаҳар ва район партия комитетлари ўзлари неча йиллар давомида қўлда тутиб келган ҳокимиятни бергилари келмаяпти. Барча масалалар кечагина райкомда ҳал этилган бўлса-ю, эндиликда маҳаллий совет хўжайин? Бу қандай гап! Демак, уларга энди иш қолмади, деб ҳисоблашмоқда баъзилар... Бу касалликни тузатиш учун вақт керак деб ҳисоблайман.

**— Съездда КПССни миллий белгиларига қараб айрим-айрим қисмларга ажратишга уринишлар тўғрисида ташвиш билан гапирилди. Партияда муносабатларнинг қандай модели сизга кўпроқ ёқади?**

— Шахсан мен КПСС иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари иттифоқи бўлиши керак деб ҳисоблайман. Сабаб? Ҳозир асослаб бераман. Сиёсий ҳисоботда ҳар бир жумҳурият суверен давлат эканлиги, бу жумҳуриятлар ўз ҳудудларида марказга ихтиёрий равишда берилган масалалардан бошқа барча муаммоларни ҳал этадилар деб айтилди. Гап шундай экан, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг ҳозирги аҳволи юқоридаги хулосага асло тўғри келмайди. Негаки, улар амалда ҳозир КПССнинг территориал бўлимларига айланиб қолган. Дарвоқе, жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетлари билан обкомлар ўртасида, айтайлик, катта фарқ йўқ. Уларнинг мақоми деярли бир хил. КПСС Марказий Комитетидаги айрим шахслар уларни шу шаклда сақлаб қолишни истаётганга ўхшайдилар. Уларнинг фикрича, шундай бўлса иш қилиш ҳам, буюриш ҳам ўнғай кечади.

У ҳолда ўз-ўзидан савол туғилади: суверенитет ва кўп партиялилик шароитларида биз вазифаларимизни қандай бажарамиз? Эпчил йўлни қандай ўтказамиз, маҳаллий аҳоли ва маҳаллий шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини қандай ифодалаймиз, одамларнинг обрў-эътиборини қандай қозонамиз? Агар аҳвол эскича қоладиган бўлса мухолифларимиз биз, коммунистларга нисбатан ғалаба қозонишларига кўпроқ имконият яратилади. Негаки, биз халқ билан бирга, халқ учун курашамиз деймизу, аммо унга ҳеч нима бера олмаймиз. Сабаби — етарли ҳуқуқларга ва эркин ҳаракатларга эга эмасмиз.

Бугунги кунда жумҳуриятларнинг Компартиялари ягона Уставга, КПССнинг умумий программасига амал қилишлари ва Марказий Комитет йўлидан боришлари керак. Бу менинг чуқур ишончимдир. Бироқ, тактик масалалар, кадрлар, молия масалалари ва бошқаларнинг ҳаммаси жойларнинг ўзида ҳал этилиши керак. Акс ҳолда эрта-индин бизда ҳам юзага келадиган кўп партиялилик шароитида биз заифлашиб қолишимиз мумкин.

**— Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг ўй-фикрларингизга кўпроқ жумҳурият Компартияси Марказий Комитети Биринчи котиби лавозимими ёки Ўзбекистон Президенти лавозими кўпроқ таъсир қилади? Умуман сиз лавозимларни бир-бирига қўшиб олиб бориш масаласига қандай қарайсиз?**

— Келинг, объектив вазиятни ҳисобга олайлик. Бугунги кунда Президент ўз Фармонлари бажарилишини ташкил этишга қодир системага эга эмас экан, у амалда фақат қарорлар қабул қиладиган, бироқ, уларни амалга оширишга кафолат бермайдиган шахсга айланиб қолади. Муаммонинг нозиклиги ҳам мана шунда.

Айни пайтда эса ишлаётган структура бор. Нима деб аталса ҳам партия системаси юқоридан пастга қараб яхши ташкил этилган. Президент мана шу иккинчи, партиявий ҳокимиятдан ўз қарорлари бажарилиши ва улар устидан назоратни ташкил этиш учун фойдаланар экан, у кўпроқ натижага эришишга қодир бўлади.

Съездда лавозимларни бирга қўшиб олиб бориш имконияти йўқлиги тўғрисидаги гап-сўзларда муаммони чуқурроқ ўрганишдан кўра кўпроқ ҳис-туйғулар ҳукмронлик қилди. Бугунги кунда реал ҳокимият партия ташкилотларидан совет органларига берилаётган бир пайтда лавозимларни бирга қўшиб олиб бориш сақлаб қолиниши керак. Бу менинг қатъий фикрим. Акс ҳолда бу жараён партия ва совет органлари ўртасидаги зиддиятга айланади. Ҳар бир томон уни ўзи томонга торта бошлайди. Биз буни унутмаслигимиз лозим.

**— Ўзбекистон Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган съездида оммавий ахборот воситалари шанига анчагина танқидий фикрлар билдирилди. Бу сизнинг матбуотга муносабатингизни ифодаламайдими?**

— Менинг фикрим шундай: матбуот билан мулоқотда бўлиш керак. Матбуот билан ишлаш ва ҳеч бўлмаганда журналистларни ўз ҳақлигингга ишонтириш зарур. Бизда эса баъзан шундай бўлади: мақола чиқади, у эса бир қатор сабабларга кўра бизни қониқтирмайди. Шундан кейин биз ўша заҳоти мақола муаллифларини ўз душманларимиз деб била бошлаймиз. Мен танқидга яхши, адолатли дўст сифатида муносабатда бўлиш керак деб ҳамиша ҳисоблаб келганман. Бундай дўст эса ҳақиқатни кўзингга тик қараб айтади.

Журналистлар орасида шундайлар ҳам борки, улар ҳақиқатга эмас, балки айрим шахсларга хизмат қиладилар. қандайдир гуруҳларнинг, уруғ-аймоқларнинг манфаатларини ифода этадилар. Бу эса бошқа масала. Бу ўринда матбуот раҳбарларининг ўзлари ўз ходимлари ҳақида хулоса чиқариб олишлари керак.

Мен эса миллий муносабатларни ёритишга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, етти ўлчаб бир кесиш асосида ёндашиш керак деб матбуотга маслаҳат бераман. Масалан, Ўзбекистон халқи нохолислик, нотўғри муносабатлар мавжудлигини яққол ҳис этмоқда. Асл воқеалардан бехабар одамларда гўёки бизнинг жумҳуриятимизда яшовчи ҳар икки кишининг бири муттаҳам, порахўр, ўғри деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Амалда эса аҳолининг кўпчилиги қашшоқликда яшамоқда. Бундан ташқари сен бир халқ тўғрисида ёзяпсанми, шу халққа ҳурмат билан муносабатда бўлишинг керак. Менинг назаримда бу бир-бирини ўзаро тушуниш учун энг асосий шартдир. Журналист бир халқ тўғрисида ёзаётган бўлса, шу халқни ҳурмат қилмас экан, у билан истайсизми-истамайсизми ҳақиқатдан йироқ образларни яратади.

**Суҳбатни А. ШИНКИН олиб борди.**

(«Правда» 1990 йил 21 июль).

# СССР ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИ ВА ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

20 июль куни Кремлда СССР президенти М. С. Горбачев раислигида СССР федерация кенгаши ва президентлик кенгашининг қўшма мажлиси бўлди. Унда «Иқтисодий ислоҳотни ўтказиш ва бозор муносабатларига ўтишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ҳақида»ги масалалар кўриб чиқилди.

СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижков мамлакатни 1991 йилдан бошлаб бошқариладиган бозор иқтисодиёти изига кўчириш юзасидан ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар программасининг асосий қоидаларини баён қилиб берди. Илгари таъкидланганидек, бу программа шу йилнинг сентябрь ойида СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига тақдим этилади. Программа хўжалик фаолияти ва соҳибкорлик эркинлигини таъминлашни, бозор нархлари шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш системасини ишлаб чиқишни, иш билан таъминлашни, мулкчиликни давлатдан ажратиш ва маҳаллийлаштиришни, монополияларга қарши чоралар кўришни, товарлар бозорида рақобатни ривожлантиришни ва бошқа чораларни кўзда тутади.

Маърузачи бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган ҳуқуқий шарт-шароитларни пайсалга солмай вужудга келтириш мақсадида президент фармонлари туркумини, СССР Олий Совети ва ҳукумати, шунингдек, иттифоқдош жумҳуриятларнинг Олий Советлари ва ҳукуматлари даражасида қонун ва маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш зарурлигини айтди.

Мажлис қатнашчилари бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли жиҳатларини батафсил муҳокама қилдилар. Жумладан, бозор иқтисодиётига ўтиш зарурлиги совет кишилари онгига тобора чуқур сингиб бораётганлиги ва ҳозирги пайтда ҳамма нарса ижтимоий кафолатларнинг ишончли системасини ишлаб чиқиш йўли билан аҳоли қашшоқ табақалари аҳволи ёмонлашиши мумкинлигининг олдини олишга боғлиқ бўлиб бораётганлиги таъкидланди.

Иттифоқ шартномасини тайёрлаш масаласи юзасидан маъруза қилган СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Р. Н. Нишонов суверен давлатлар иттифоқи концепцияси марказ билан жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатларни демократиялаш мақсадида ўзаро мақбул аҳдномаларга эришиш учун яхши замин яратишини таъкидлаб ўтди. Иттифоқ шартномасининг асосий ғоялари, ана шу ҳужжат устида ишлашнинг қандай тусда бўлиши ва унинг муваққат доиралари тўғрисида фойдали фикрлашиб олинди.

М. С. Горбачев мунозарага якун ясаб, бошқариладиган бозорга ўтиш ва янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш бир масаланинг икки томони эканлигини уқтирди. Яқин вақт ичида жумҳуриятларнинг мустақиллигига кафолат берадиган янги иттифоқ шартномасининг асосий масалаларини ишлаб чиқиш лозим. Бунда ягона хўжалик организмини парчалаб юбормаслик, аксинча умумиттифоқ бозорини биргалашиб барпо этиш ва мустаҳкамлаш лозим. Мамлакат бошидан кечираётган қийинчиликлар бир-бирини ўзаро тўлдирадиган ягона бозор хўжалиги сари ҳаракатни тезлаштиришни тақозо этмоқда. Аксинча, ажрамачилик тамойиллари, бир-биридан ажралишга интилиш жумҳуриятлар учун ҳам, умуман мамлакат учун ҳам аҳволни янада чигаллаштиради, холос. Бу эса янги шароитда аҳамияти ортиб борадиган ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнигина эмас, шу билан бирга барча жумҳуриятларнинг умумий манфаатларини кўзлаб ҳаракат қиладиган марказий ҳокимиятга муайян вазифаларни ихтиёрий равишда топширишни тақозо этмоқда.

Кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилишда президентлик кенгаши ва федерация кенгаши аъзолари, мажлисга таклиф этилган СССР ҳукуматининг аъзолари, бир қанча иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг мухтор вакиллари қатнашдилар.

(ТАСС).

# СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЛИТВА, ЛАТВИЯ ВА ЭСТОНИЯ ХАЛҚЛАРИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Бундан ярим аср муқаддам меҳнаткашлар танлаган давлат ҳокимиятининг олий нуфузли органлари Литва, Латвия ва Эстонияни Совет Социалистик Республикалари деб эълон қилди ва ССР Иттифоқига кирганликлари тўғрисида қарор қабул қилди. Асрлар давомида қўшни бўлиб яшаган халқлар ўзларини ҳамкорлик ва биргаликдаги турмуш ришталари билан боғладилар.

Болтиқбўйи халқлари жаҳон урушининг иккинчи йили бораётган ва Европанинг катта қисмини фашизм қулликка солган фожиали пайтда Совет Иттифоқига кирдилар. Литва, Латвия ва Эстония меҳнаткашлари босқинчиликнинг бутун даҳшатини, гитлеризм ва унинг ўтмишдошларнинг бутун шафқатсизлигини ўз бошидан кечирдилар. Жуда катта қурбонлар эвазига, мамлакат барча халқларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан Улуғ Ватан урушида ғалабага эришилди.

Урушдан кейинги йилларда Болтиқбўйи республикалари, шунингдек умуман иттифоқнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий тараққиётида катта ўзгаришлар қўлга киритилди. Қудратли ишлаб чиқариш потенциали вужудга келтирилди. Фан ва маориф соҳасида жиддий силжишлар яққол намоён бўлди, миллий ўзлигини англаш янги даражага кўтарилди. Республикалар Совет Иттифоқининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий турмушида ҳар томонлама ривожланди, уларнинг халқаро обрў-эътибори мустаҳкамланиб, жаҳон миқёсидаги хўжалик ва маданий алоқалари кенгайди.

Шу билан бирга биз ҳаммамиз ўз хонадонимизда ўз фикр-ўйларимиз ва туйғуларимизни ошкора ифодалай олишимизга, совет оиласида муносабатларимизни қай тариқа яхшилик сари қайта қуришни, кўп миллатли давлатимизни янгилашни ҳал этгунимизга қадар кўп йиллар ўтди. Бундан беш йил илгари бошланган қайта қуриш бутун мамлакат ва унинг ҳар бир халқининг журъат этилган азму қарори бўлди.

Ҳар бир халқ ҳамкорлик неъматларидан, биргаликда ривожланиш афзалликларидан, хавфсизлик барқарорлигидан тўла даражада баҳраманд бўлиши учун биргаликдаги турмушимизни демократик тарзда ва яхши қўшничилик асосида қуриш имконияти бизга илк бор берилмоқда. Бу мақсадларга эришса бўлади. Биз қайта қуриш — орқага назар ташлаш мумкин бўлган марраgina эмас, шу билан бирга истиқбол яхшироқ намоён бўладиган юксаклик эканлигини ёдда тутар эканмиз, ана шу мақсадларга эришиш йўлида ҳал этиб бўлмайдиган муаммолар йўқ.

Тўғри, янгиланиш қийинчилик билан амалга оширилмоқда, ақидалар ва қолоқ фикрлашларга қаттиқ курашиб барҳам берилмоқда. Шунинг учун ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, ўзаро мадад, мавжуд ресурсларни бирлаштириш, ақлий ва маънавий қадриятларни айирбошлаш, одамлар ўртасида ҳам, халқлар ўртасида ҳам ўзаро ҳурмат ҳозирги пайтда ғоят зарурдир. Шу боисдан сизларнинг ҳар бирингизга мурожаатимиз — амалий ижтимоий мулоқотга қатъий даъватдир. Бугунги кунда мамлакат бундай мулоқотга муҳтож.

Биз Латвия, Литва ва Эстония ишчиларига, деҳқонларига, зиёлиларига, ветеранлар ва ёшларга муштарак машаққатли тарихимизга ёзилиши тақозо этилган шонли саналар муносабати билан салом йўллаймиз, эсон-омонлик ва бахт-саодат тилаймиз. Масъулият ва соғлом фикр эркин миллий тараққиётни мустақил социалистик давлатлар иттифоқида тенг ҳуқуқли иштирок этиш афзалликлари билан ўзаро боғлаб, тўғри йўл танлашимизга кўмаклашишга даъват этилган. Яқин орада янги иттифоқ шартномаси тузилиши бунинг учун йўл очиб беради.

**СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ**



Термиз районидаги «Гулбаҳор» совхози далаларида ғўзани танлаб чилпиш бошланди. Хўжалик миришкорлари жорий йилда 1700 гектар майдонда пахта етиштирмоқдалар.

СУРАТДА: механизм воситасида ғўзани чилпиш пайти. (Чапдан) Сувчи Ҳамроқул Жўраев, ижарачи Эшмурод Қулсоатов, совхоз директори Эшбой Дўлманов ва агроучастка бошлиғи Эшниёз Ҳайдаров.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

